

**АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚНИ ҚАТЪЙИ БЕЛГИЛАНГАН  
СУММАДА ТҮЛОВЧИ СОЛИҚ ТҮЛОВЧИЛАР УЧУН СОЛИҚ СТАВКАСИНИ  
АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ.**

**Мамадалиев Аббосбек Эркинович**

*Фискал институт “Солиқлар ва солиққа тортыш” кафедрасы ўқитувчиси*

*e-mail: abbos0888@mail.ru*

*тел.: +998 91 129 88 00*

**Аннотация:** Мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши, уларнинг фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиши бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда.

Натижада ўтган бир йилда 55 мингдан ортиқ бизнес учун мўлжалланган бинолар барпо этилди, пул айланмасини 1 миллион доллардан оширган тадбиркорлар сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтани ташкил этди, экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етиб, жами экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайди.

**Калит сўзлар:** айланмадан олинадиган солиқ, солиқ ставкаси, қатъий белгиланган суммадаги солиқ ставкаси, фоиз кўринишидаги солиқ ставкаси, пасайтирилган солиқ ставкаси.

**Аннотация:** В стране принимаются комплексные меры по развитию предпринимательства, особенно малого и среднего бизнеса, устранению проблем и препятствий, возникающих в их деятельности.

В результате только за один прошлый год построено свыше 55 тысяч зданий, предназначенных для бизнеса, численность предпринимателей, денежный оборот которых превысил 1 миллион долларов, увеличилась на 5 тысяч и составила 26 тысяч, количество предприятий-экспортеров достигло 7,5 тысячи, общий объем экспорта увеличился на 30 процентов.

**Ключевые слова:** налог с оборота, налоговая ставка, фиксированная налоговая ставка, процентная налоговая ставка, пониженная налоговая ставка.

**Absratct:** The country is taking comprehensive measures to develop entrepreneurship, especially small and medium-sized businesses, to eliminate problems and obstacles that arise in their activities.

As a result, over 55,000 business buildings were built last year alone, the number of entrepreneurs whose cash turnover exceeded \$1 million increased by 5,000 and amounted to 26,000, the number of exporting enterprises reached increased by 30 percent.

**Key words:** turnover tax, tax rate, flat tax rate, percentage tax rate, reduced tax rate.

Мамлакатимизда тадбиркорликни, айниқса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши, уларнинг фаолиятида келиб чиқаётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиши бўйича комплекс чоралар кўрилмоқда.

Натижада ўтган бир йилда 55 мингдан ортиқ бизнес учун мўлжалланган бинолар барпо этилди, пул айланмасини 1 миллион доллардан оширган тадбиркорлар сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтани ташкил этди, экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етиб, жами экспорт ҳажми 30 фоизга кўпайди<sup>14</sup>.

2022 йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «очик мулоқоти» доирасида тадбиркорлардан келиб тушган 12 мингдан ортиқ мурожаатда кўтарилиган тизимли муаммоларнинг ечимиға қаратилган таклиф ва ташабbusларни амалга ошириш ҳамда «очик мулоқот»да белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «очик мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-364-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан «очик мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича биринчи иловага мувофиқ «ЙўЛ ХАРИТАСИ» тасдиқланган. Мазкур йўл харитасида «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича манзилли ишлаш» вазифаси белгиланган. Ушбу йўл харитасига кўра 2023 йил биринчи январдан бошлаб микро бизнес учун айланмадан олинадиган солиқнинг ягона 4 фоизли солиқ ставкасини жорий этиш, бунда олис ҳудудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкаларни сақлаб қолиш, ихтиёрий равища йилига 20—30 миллион сўм миқдорида солиқ тўлашга ўтган микро бизнес вакилларини бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига солиқ ҳисботини тақдим этиш мажбуриятидан озод этиш каби вазифалар белгилаб берилган.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги ЎРҚ-812 сонли қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига бир канча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан солиқ кодексининг 467-моддасига киритилган ўзгартиришлардан бири иқтисодиётнинг барча тармоқларидағи айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар учун базавий солиқ ставкаси ягона 4 фоиз этиб белгиланди, бунда жойлашган жойига қараб чакана савдо соҳасидаги солиқ тўловчилар ҳамда улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари учун пасайтирилган солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолган. 2023 йил 1 январдан бошлаб киритилган яна бир ўзгартиришга кўра айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар катъий белгиланган суммада солиқни тўлаш ҳуқуқи берилди.

<sup>14</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «очик мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-364-сонли қарори

**Солиқни қатъий белгиланган суммада тўловчи солик тўловчилар учун солик ставкаси қўйидаги миқдорларда белгиланган<sup>15</sup>:**

1-жадвал

T/p	Солик тўловчилар	Бир йиллик солик калари (млн сўмда)
1.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солик зчилар	20
2.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солик зчилар	30

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар қатъий белгиланган суммада солик тўлашга ўтиш тўғрисида ўзи солик ҳисобида турган жойдаги солик органини Солик қўмитаси томонидан белгиланган шаклда кейинги ой бошлангунига қадар ўн кундан кечиктирмай хабардор қиласди.

Янги ташкил этилган солик тўловчилар давлат рўйхатидан ўтиш чоғида қатъий белгиланган суммада солик тўлашни танлашга ҳақли.

Қатъий белгиланган суммада солик тўлашга солик даври мобайнида ўтилган тақдирда, солик миқдори қатъий белгиланган суммани ўн иккига бўлиш ва олинган натижани жорий солик даврининг якунига қадар қолган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Агар солик даври давомида қатъий белгиланган суммадаги солик тўловчининг жами даромади беш юз миллион сўмдан ошса, у ҳолда қатъий белгиланган суммадаги солик суммаси бундай ошиш рўй берган ойдан бошлаб жорий солик даврининг охирига қадар жами даромади беш юз миллион сўмдан ортиқ бўлган солик тўловчилар учун белгиланган солик ставкасидан келиб чиқсан ҳолда қайта ҳисоблаб чиқлади.

**Фарғона вилояти бўйича айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада солик тўлашга ўтган солик тўловчилар ҳақида маълумот<sup>16</sup>.**

2-жадвал

Фаолият тури	Хўжалик юритувчи субъектлар сони	Хўжалик юритувчи субъектлар жамига

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси солик кодекси 470<sup>1</sup>-модда.

<sup>16</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан Фарғона вилоят солик бошқармаси маълумотлари асосида мустақил тайёрланган.

		нисбати (%)
Кишлоқ хўжалиги	169	4.2
Курилиш	136	3.4
Мехмонхона ва туризм	18	0.4
Савдо	2030	50.4
Саноат (ишлаб чиқариш)	588	14.6
Умумий овқатланиш	445	11.0
Хизмат кўрсатиш	298	7.4
Бошқалар	346	8.6
	4030	100

2-Жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммада тўлаш тартибини танловчиларнинг катта қисми 2030 нафар ёки 50.4 фоизни **савдо** фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига тўғри келаётган бўлса кейинги ўринда 588 нафар ёки 14.6 фоизни **саноат** (ишлаб чиқариш) фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига, кейинги ўринларда **умумий овқатланиш** фаолияти яъни 445 нафар ёки 11.0 фоизни, **хизмат кўрсатиш** соҳасида 298 нафар ёки 7.4 фоизни, қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича 169 нафар ёки 4.2 фоизни, **курилиш** соҳасида 136 нафар ёки 3.4 фоизни, **бошқа фаолият турлари** билан шуғулланувчи тадбиркорлар 346 нафар ёки 8.6 фоизни, сўнги ўринларда **мехмонхона ва туризм** фаолияти бўлиб 18 нафар ёки 0.4 фоиз тадбиркорлик субъектлари ушбу тартибни танлаганикларини кўриш мумкин.

**Жами даромади 500 млн сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан айланмадан олинадиган солиқ ставкасининг фоиз ва қатъий сумма кўринишидаги солиқ суммасининг тафовутлари тўғрисидаги маълумот<sup>17</sup>.**

3-жавдал

Йиллик жами даромад	Солиқ ставкаси	Солиқ суммаси (1-устун x 2-устун)	Қатъий суммада солиқ ставкаси	Фарқи (4-устун – 3-устун)
1	2	3	4	5

<sup>17</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан мустакил тайёрланган

100 000 000,0	4%	4 000 000,0	20 000 000,0	16 000 000,0
150 000 000,0	4%	6 000 000,0	20 000 000,0	14 000 000,0
200 000 000,0	4%	8 000 000,0	20 000 000,0	12 000 000,0
250 000 000,0	4%	10 000 000,0	20 000 000,0	10 000 000,0
300 000 000,0	4%	12 000 000,0	20 000 000,0	8 000 000,0
350 000 000,0	4%	14 000 000,0	20 000 000,0	6 000 000,0
400 000 000,0	4%	16 000 000,0	20 000 000,0	4 000 000,0
450 000 000,0	4%	18 000 000,0	20 000 000,0	2 000 000,0
500 000 000,0	4%	20 000 000,0	20 000 000,0	0

3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки жами даромади 100 млн сўмдан 400 млн сўмгача бўлган солик тўловчилар учун фоизли ва қатъий суммадаги солик ставклари ўртасидаги сезиларли фарқ суммасини кўриш мумкин яъни бу жабхада соликни 4% ли ставкада тўлаш солик тўловчи учун манфаатли ҳисобланади.

**Жами даромади 500 млн сўмдан юқори 1 млрд сўмга етмаган тадбиркорлик субъектларига нисбатан айланмадан олинадиган солик ставкасининг фоиз ва қатъий сумма кўринишидаги солик суммасининг тафовутлари тўғрисидаги маълумот<sup>18</sup>.**

4-жавдал

Йиллик жами даромад (сўм)	Солик ставкаси	Солик суммаси (сўм) (1-устун x 2-устун)	Қатъий суммада солик ставкаси (сўм)	Фарқи (сўм) (4-устун – 3-устун)
1	2	3	4	5
550 000 000,0	4%	22 000 000,0	30 000 000,0	8 000 000,0
600 000 000,0	4%	24 000 000,0	30 000 000,0	6 000 000,0
650 000 000,0	4%	26 000 000,0	30 000 000,0	4 000 000,0
700 000 000,0	4%	28 000 000,0	30 000 000,0	2 000 000,0
750 000 000,0	4%	30 000 000,0	30 000 000,0	0
800 000 000,0	4%	32 000 000,0	30 000 000,0	-2 000 000,0

<sup>18</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан мустакил тайёрланди.

850 000 000.0	4%	34 000 000.0	30 000 000,0	-4 000 000,0
900 000 000.0	4%	36 000 000.0	30 000 000,0	-6 000 000,0
950 000 000.0	4%	38 000 000.0	30 000 000,0	-8 000 000,0
999 999 999.0	4%	40 000 000.0	30 000 000,0	-10 000 000,0

4-жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсақ жами даромади 550 млн сўмдан 750 млн сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун фоизли ва қатъий суммадаги солиқ ставкалари ўртасидаги сезиларли фарқ суммасини кўриш мумкин яъни бу жабхада солиқни 4% ли ставкада тўлаш солиқ тўловчи учун манфаатли ҳисобланади. Жами даромади 750 млн сўмдан 999.9 млн сўмгача бўлган солиқ тўловчилар учун қатъий суммадаги солиқ ставкаларида тўлаш тартибини танлаш манфаатли эканлигини кўриш мумкин.

### Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтилганда қуйидаги афзалликларга эга бўлишади:

биринчидан солиқ органларига молиявий ҳисоботлар ва айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботи тақдим этилмайди<sup>19</sup>;

иккинчидан, товарларни кирим ва чиқим қилишнинг ҳисобини юритиш талаб этилмайди;

учинчидан, айланмадан олинадиган солиқ ҳисобот тақдим этилмаганлиги сабабли ушбу солиқ тури бўйича камерал солиқ текширувидан олдинги автоматлаштирилган таҳлил ўтказилмайди;

тўртинчидан, соф фойдадан таъсисчиларга дивиденд берилганда дивиденд солиғи олинмайди<sup>20</sup>.

бешинчидан, айланмадан олинадиган солиқ тўловчи календар йилнинг исталган ойида ушбу ставкада солиқ тўлашга ўтиши мумкин, бунда, солиқ микдори қатъий белгиланган суммани ўн иккига бўлиш ва олинган натижани жорий солиқ даврининг якунига қадар қолган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар қатъий белгиланган суммада солиқ тўлашга ўтилганда қуйидаги камчиликларни кўриш мумкин:

➤ қатъий белгиланган суммадаги солиқнинг солиқ тўловчилари молиявий ҳисоботлар ҳамда товарларни кирим ва чиқим қилишнинг ҳисобини юритиш мажбуриятидан ҳоли бўлганликлари боис қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтишда товар-моддий захираларнинг қолдиқлари ҳамда узок

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 ноябрдаги «Ҳисобот тақдим этиш ва архив хужжатларини саклаш тартиб-таомилларини макбулаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-419 сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 470<sup>1</sup>-модда

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 470<sup>1</sup>-модда.

муддатли активлар бўйича қўшилган қиймат солиги суммаларини ҳисобга олишни амалга ошира ололмайдилар;

➤ олис худудлардаги ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкаларни сақлаб қолинганлигини инобатга олсак солик юки аксинча ошиб кетишини яъни жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солик тўловчилар аҳоли сони юз минг нафар ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарлардан ташқари бошқа аҳоли пунктларида улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари учун 2 фоизли ставкада солиқни тўлаш афзал ҳисобланадаи. Мисол учун корхонанинг жами даромади беш юз миллион сўмни ташкил қилган солик тўловчилар 2 фоиз ставкада солик тўлаганда ҳам солик суммаси 10 млн сўмни ташкил қиласди агар қатъий суммада тўлаш тартибига ўтадиган бўлса йиллик солик суммаси 20 млн сўмни ташкил қиласди. Бундан шуни кўриш мумкинки солик юки икки баробарга ортиб кетмоқда;

➤ бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги ПФ-287 сонли фармони билан 5-тоифадаги туманларда рўйхатдан ўтган ва шу худудларда фаолият юритадиган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқни 1 фоиз қилиб белгиланганлигини ҳисобга олсак ушбу тоифадаги солик тўловчилар қатъий суммада тўлаш тартибига ўтадиган бўлса солик юки бир мунча ортиб кетишини кузатиш мумкин.

➤ жами даромади 100 млн сўмдан 400 млн сўмгача бўлган солик тўловчилар учун фоизли ва қатъий суммадаги солик ставкалари ўртасидаги сезиларли фарқ мавжудлиги сабабли қатъий суммадаги ставкада солик тўлашда солик юкини ортиб кетишини 2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин;

➤ худди шунингдек жами даромади 550 млн сўмдан 750 млн сўмгача бўлган солик тўловчилар учун фоизли ва қатъий суммадаги солик ставкалари ўртасида ҳам сезиларли фарқ суммаси мавжуд бўлиб ушбу солик тўловчилар учун ҳам қатъий суммадаги ставкада солик тўлашда солик юкини ортиб кетишини 3-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки айланмадан олинадиган солиқнинг фоизли ставкалари ўрнига жами даромадига қараб йилига 20 млн сўм, 30 млн сўм қатъий суммадаги солик ставкаларини қўллаш қуидаги солик тўловчилар учун афзал ҳисобланади:

➤ фаолияти давомида товарларни кирими ва чиқими билан жумладан савдо, умумий овқатланиш ҳамда саноат (ишлаб чиқариш) фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳисобланади сабаби ушбу солик тўловчилар фаолияти давомида солик органларига молиявий ҳисботларни ҳамда товарларни кирим ва чиқим қилишнинг ҳисобини юритиш мажбурияти талаб этилмайди ва бу ортиқча оворагарчиликларни, солик ҳисботларини тайёрлаш учун ҳисобчига кетадиган маблағларни тежашни имконини беради;

➤ жами даромади 400 млн сўмдан 500 млн сўмгача бўлган солик тўловчилар учун ҳамда жами даромади 750 млн сўмдан 999.9 млн сўмгача бўлган солик тўловчилар учун қолаверса йил якуни билан таъсисчиларига даромадларини тақсимлайдиган солик тўловчилар учун ҳам афзал ҳисобланади сабаби айланмадан олинадиган солик ҳисботот тақдим этиш ҳамда соф фойдадан таъсисчиларга дивиденд берилганда дивиденд солиги тўланмаслиги ва бу бўйича солик ҳисботларини тақдим этиш мажбуриятларидан озод этилган ҳисобланади.

**Таҳлил натижалари ва хулосаларни умумлаштирган ҳолда қўйидагилар таклиф қилинади<sup>21</sup>:**

T/p	Солик тўловчилар	Бир йиллик солик зилари (млн сўмда)
1.	Жами даромади <b>беш юз миллион</b> сўмдан ошмаган солик зилар	10
2.	Жами даромади <b>беш юз миллион сўмдан юқори</b> бўлган солик зилар	20

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги «очик мулоқоти»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-364-сонли қарори. КҲММБ, 30.08.2022 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

2. Кодекс (2019), Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси. КҲММБ, 31.12.2019 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 ноябрдаги «Ҳисбот тақдим этиш ва архив ҳужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-419 сон қарори. КҲММБ, 11.22.2022 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>21</sup> Жадвал маълумотлари муаллиф томонидан мустакил тайёрланди.